



ИСЛОҲОТЛАР ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 19 июнь куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ташриф буюрди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, улкан ютуқ ва муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бунинг тасдиғини вилоят меҳнаткашлари эришаётган салмоқли натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорағида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,7 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 9,3, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9, қурилиш ишлари 11,6, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 10,7 фоизни ташкил қилди. Вилотни 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга асосан 2061 лойиҳани, шу жумладан, 2013 йилда 1381 лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Саноат соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар самарасида 2013 йилнинг биринчи чорағида Жиззах шаҳрида «Жиззах Таштепа текс» тўқимачилик корхонаси, оҳақ ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Жиззах тоғ-кон қимё» корхонаси, Ғаллаорол туманида қурилиш қули ва шағал ишлаб чиқарадиган корхона, Зафаробод туманида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Фаворит лине» корхонаси, Жиззах туманидаги «Жиззах чорва барака» фермер ҳўжалигида сутни қайта ишлаш линияси ишга туширилди.

Жиззах шаҳрида ташкил этилган «Жиззах пластикс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси вилоятда енгил саноатни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга яққол мисолдир.

Давлатимиз раҳбари вилоятга сафарини мазкур корхона билан танишишдан бошлади.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу фабрика мамлакатимизда енгил саноатни изчил тараққий эттириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг яна бир амалии натижасидир, деди Ислон Каримов. Собик тузум даврида пахта хомашёси минг азоб ва қийинчиликлар билан етиштирилса-да, уни юртимизда қайта ишлаш масаласига эътибор берилмаган. Аксинча бошқа ўлкаларга ташиб кетилган. Мустақилликка эришганимиздан кейин пахтани ўзимизда қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратдик. Агар мустақиллигимизнинг илк йилларида пахта толасининг 10-12 фоизи мамлакатимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 30 фоиздан ошди.

Давлатимиз раҳбари енгил саноатни ривожлантириш орқали пахта толасини қайта ишлаш кўрсаткичларини мунтазам равишда кенгайтириш масаласининг аҳамиятига атофлича тўхталди. Бу қўшимча дариомд топишининг самарали манбаи, аҳолини иш билан таъминлашдек долзарб масалани ҳал қилишнинг муҳим воситаси эканини алоҳида қайд этди.

Мисол учун, бир долларлик пахта толаси қайта ишланиб, калава илга айлантирилганда ярим тайёр маҳсулот бўлиб, ундан 4-5 доллар, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилганда эса 10-12 доллар фойда олиш мумкин. Яна бир аҳамиятли томони — енгил саноат ишчи кучини энг қўп талаб қиладиган тармоқлардан биридир.

Ислон Каримов мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, шу жумладан, юксак сифатли пахта хомашёси етиштирилган Жиззах вилоятида толаси қайта ишлайдиган ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий корхоналарни кўпроқ ташкил қилиш, бундай корхоналарда ҳаётга қатта умидлар билан кириб келаётган ёшларимиз бандлигини таъминлаш гоёт муҳим вазифа эканлигини таъкидлади.

«Жиззах пластикс» корхонасининг биринчи навбати ишга туширилиши билан йилга 12 минг тонна пахта толаси қайта ишланади, 8,5 минг тонна калава ип, 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Иккинчи босқичда — 2014 йилда корхонада ишлаб чиқарилаётган ярим тайёр маҳсулотлар тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу билан тўрт минг тонна трикотаж матони бўйша ва унга ишлов бериш, 6 миллион дона тайёр кийим-кечак маҳсулотлари тайёрлаш имконияти яратилади.

Корхона ишга тушган бу ерда 1750 нафар киши иш билан таъминланади. Бугунги кунгача вилоятдаги касб-хунар коллежларини тамоомлаган 370 нафар ёш мутахассис билан меҳнат шартномалари тузилди.

Президентимиз корхонада мураккаб дастгоҳларни созлаш ишларини бажараётган Хушнуд Аширматов, Ҳасан Худойбердиев каби ёш мутахассислар билан суҳбат асосида бугунги кунда ўзбек ёшлари ақл-заковат, иқтидор ва қобилият, интилиш ва ташаббус бобида хорижда ҳам кўпчиликнинг ҳавасини тортаётганини қайд этди.

— Ўзбек ёшлари ўзининг зукколиги ва тиришқоқлиги билан мени ҳайратга солди, — деди давлатимиз раҳбари билан суҳбатда Германиянинг Шлафхорст компанияси менежери Оскар Илтер. — Ёш монтажчи-созловчилар келтирилган замонавий технологияларни ўрнатгани қисқа вақт ичида ўзлаштириб олди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши, ўз иқтидорини ва салоҳиятини рўбга чиқариши учун барча шароитлар яратиб берилган, — деди Хушнуд Аширматов. — Мана бу замонавий корхона ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалии намунасидир. Фабрикада замонавий технологияларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори энер-

гия тежамкорлиги, экологик тозаллиги ва рақобатбардошлиги таъминланади. Бундай эътиборга жавобан Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида ёниб яшаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз замонавий кўринишга эга бўлмоқда. Буни Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фаргона, Қўқон, Марғилон, Термиз, Қарши, Ўрганч каби қўллаб шаҳарларимизнинг бугунги жамоли ва таровати мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жиззах ҳам ана шу шаҳарларимиз қаторидан ўзига лойиқ ва муносиб ўринни эгаллаши керак. Иқтисодий соҳада эришаётган улкан ютуқларимиз билан бирга маънавиятни юксалтиришга ҳам эътиборни янада кучайтиришимиз лозим. Шаҳарларни ҳар томонлама ривожлантириш, саноатнинг турли тармоқларини тараққий эттириш орқали одамларнинг ҳаёт сифатини ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан юртдошларимизнинг қайфиятини, ғурурини янада юксалтирмоғимиз даркор.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир шаҳарнинг бош режаси устида ишлашда узоқ истиқболни ўйлаб иш юритиш лозимлигини таъкидлади. Шаҳарда айланма халқа йўлини барпо этиш, қўп тасмали магистраль йўлларни қуриш, коммуникацияларни ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш юзасидан тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди.

— Пойтахтимиз Ташкент ва бошқа шаҳарларимиз тажрибасидан келиб чиқиб, Жиззах шаҳрининг маданий марказини яратишимиз лозим, — деди Ислон Каримов. — Бундай марказ авваламбор аҳолининг мазмунли ҳордик чиқаришига, ҳаётдан завқ олиб яшашига хизмат қилади. Шаҳарда каштан, эман, япон сафораси каби ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экилган ҳиёбонлар ва яшил ҳудудларни барпо этиш ҳам муҳим вазифалардан. Бундай кенг микёсдаги бунёдкорлик ишлари одамларимизнинг дунёқарашини ўзгартиришда, уларнинг янги-янги марралар сари интилиб яшашида муҳим аҳамият касб этади.

Юртбошимиз Пахтакор туманидаги «Жавлонбек» фермер ҳўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар ва вилоят фаоллари билан суҳбатлашди.

Шу кунларда Жиззах вилоятида ҳам ғалла ўримиғимни қизғин давом этмоқда. Вилотда жорий йилда 110 минг гектар сугориладиган, 70 минг гектар лалми майдонда ғалла етиштирилди, 101 минг 800 гектар майдонда гўза парвариланмоқда. Жиззахлик фермерлар 312 минг 460 тонна дон етиштиришни режалаштиришган.

Эркин Кенжаев раҳбарлик қилаётган «Жавлонбек» фермер ҳўжалиги аъзолари 95,5 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштиряётир.

Юртбошимиз фермер ва қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари билан мулоқот чоғида ғалла ҳосилини қисқа фурсатларда йиғиштириб олиш, июль ойининг одатдагидан иссиқ келиши мумкинлигини ҳисобга олиб, гўзани иссиқ уришдан асраш чораларини кўриш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Ислон Каримов фермернинг мулкдор сифатида ўз оиласи, маҳалласи, қишлоғидаги ҳаёт тарзи янада фаровонлашиши, юртнинг бундан ҳам обод бўлишидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Ҳозирги давр фермерлари нафақат деҳқончилик сирларини пухта билиши, айни пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, селекционер, бизнесмен ҳам бўлиши даркор. Бошқача айтганда, бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган янги вазифаларни яхши билиши, одамларнинг, айниқса қишлоқ аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, хусусан, ёшларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишда фаол бўлиши зарур, — деди Президентимиз. — Бунинг учун етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш ҳам йўлга қўйиш, жойларда кичик корхоналар ташкил этиш керак.

Мамлакатимиз раҳбари «Жиззах» маҳсус индустриал зонасини барпо этиш юзасидан қабул қилинган фармон ва мазкур ҳўжаат ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар халқимиз фаровонлигини янада оширишга қаратилганини, хорижий сармоядорлар билан амалга оширилаётган қўллаб лойиҳалар иқтисодиётимизни ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда янги имкониятлар яратишини қайд этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах туманидаги «Қуёшев Парда» фермер ҳўжалиги раҳбари Парда Зиётов, вилоят фермерлар кенгаши раиси Анорбой Эшматов, «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акрам Иномов, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Азамат Дархоннов ва бошқалар фермерлик ҳаракати ташкилий, техник ва молиявий жиҳатдан изчил тақомиллашиб бораётгани, фермерларнинг даромади йилдан-йилга ортиб, бундай юксалишларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётида амалга

оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг самараси эканини таъкидладилар. Мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватанимиз обрў-эътиборини ҳар томонлама юксалтиришдек ишларга раҳнамолик қилаётган Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Президентимиз Ислон Каримов шу кун Сирдарё вилоятига келди.

Халқимиз эришаётган бетимсол ютуқларда Сирдарё вилояти меҳнат аҳолининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, боғу ҳиёбонлар вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартириб, аҳоли фаровонлигининг, онги ва тафаккурининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Вилотда жорий йилнинг биринчи чорағида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 9,5 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмолли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда ҳам барқарор ўсиш таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиши натижасида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес субъектларининг улуши 53,5 фоизни ташкил этди. Қўлай ишбилармонлик муҳити яратилгани, тадбиркорларга қўллаб имтиёз ва преференциялар берилаётгани самарасида жорий йилнинг биринчи чорағида 181 кичик бизнес субъекти, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 57 янги корхона ташкил этилди.

Бу йил вилотда қарийб 90 минг гектар майдонда бошоқли дон экинлари етиштирилди.

Ислон Каримов Оқолтин туманидаги «Авазбек Умаров» фермер ҳўжалиги даласида бўлиб, фермерлар билан суҳбатлашди.

Ғаллачилик ва пахтачиликда муҳим бўлган кунларда деҳқонларимизга ҳорманг, дейиш, уларга куч-қувват тилаш менга қатта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Сиз каби инсонларнинг фидойилиги билан мамлакатимиз улкан ютуқларга эришмоқда.

Дунёнинг қўллаб мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8,2 фоизни ташкил этмоқда. Бундай барқарор ривожланишнинг асосий омилли мустақилликнинг биринчи кунларидан «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган қоидадан асос қилиб олганимиз, юртимизнинг юксак иқтисодий-иқтимоий салоҳиятидан оқилона фойдаланётганимиз, ўзимиз белгилаб олган тараққиёт йўли — ўзбек моделини тадрижий амалга ошираётганимиздир.

Халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтди. Мустақилликка эришиш арасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз ташаббуси билан аҳолига томорқа учун ерлар ажратилгани, Ўзбекистон бўйича 700 минг гектар сугориладиган ер томорқа сифатида берилгани қишлоқларимиздаги қўллаб ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Бугун халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши таъминла ўзгарган. Одамларнинг, айниқса, ёшларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бормоқда, деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти қатта эканини алоҳида таъкидлади. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ фермерлар кенгашлари ташкил этилгани соҳа самардорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, совет тузуми даврида хусусий мулк бўлмаган. Биз собиқ совет тузумининг асо-ратларидан фермерларга ер ажратиб, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш орқали ҳалос бўла бошладик. Бугун фермерлар — мамлакатимизнинг устунига айланди. Устун эса таянч демакдир, деди Юртбошимиз. Лекин фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермерларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, қўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ривожлантириш лозим. Чунки фермерлик ҳаракати иқтисодиётимизни ривожлантиришга, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қудратли кучдир.

Президентимиз Ислон Каримовнинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини ва Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини яққол кўрсатди.

**О.ТўРАКУЛОВ,
А.САМАДОВ,
Т.БЕКНАЗАРОВ,
А.МУСТАФОКУЛОВ,
ЎЗА маҳсус мухбирлари**



• Самарқандда вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида «Энг яхши мутахассис» ва «Энг яхши бизнес лойиҳа» тақдироти ўтказилди.

• Наманган шаҳар саноат касб-хунар коллежида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда ҳудудда фаолият кўрсатаётган 129 корхона, ташкилот ва муассаса мингга яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада асосий эътибор олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилди. Тадбир якунида 545 нафар фуқаро ўз мутахассислиги, лаёқати ҳамда қизиқишига кўра турли корхона, ташкилот ва муассасада ишлаш учун йўлланма олди.

• Термиз археология музейида Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Обод турмуш йилига бағишланган «Илҳом дунёси» мавзuida кўргазма ташкил этилди. Кўргазмадан Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Ахмаров, Рўзи Чориев, Баҳодир Жалолов, Владимир Бурмакин, Турсун Назаров, Татьяна Ли каби таниқли рас-сомларнинг асарлари кенг ўрин олган.

• «Қамолот» ЁИХ Бухоро вилояти бўлими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, адлия, ички ишлар бошқармалари ҳамкорлигида академик лицей ва коллежлар ўртасида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда ҳудудларда биринчи ўринни эгаллаган ўн уч жамоа ғолиблик учун ўзаро беллашди.

• Бўстонлик туманининг тоғли ҳудудида Мулало ва Узун маҳаллаларини ажратиб турувчи Писком дарёси устига янги кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоотни бунёд этиш учун 152 миллион 341 минг сўм маблағ сарфланди. Пудрат ишларини «Бурчмулла» ўрмон ҳўжалиги амалга оширди.

• «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози» кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.



• Испаниянинг Мадрид ва Алектанте шаҳарлариаро юқори тезликда ҳаракатланувчи янги поездлар қатнови йўлга қўйилди. Маҳаллий «Renfe» темир йўл компанияси томонидан ушбу лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида янги теззорар поезд орқали икки шаҳар ўртасида 360 километрлик масофани илгаригидан 50 дақиқа тез — яъни икки соату йигирма дақиқада босиб ўтиш мумкин. Шу тарика Алектанте Испаниянинг юқори тезликдаги поездлар қатнови йўлга қўйилган ўттининчи шаҳри бўлди.

• Ҳиндистоннинг шимолий қисмида муссон ёмғирлари натижасида юз берган сув тошқинлари ва ер силжишлари оқибатида камида 138 киши ҳалок бўлди. Табиий офатдан кўпроқ Уттаракханд штати жабр кўрди. Бу ерда 110 киши ҳаётдан кўз юмганидан ташқари Бадринахта ибодатхонасига келган 12 минг нафар зиёратчи ташқи дунёдан узилиб қолди.

• Британиялик Том Стилзуэлл уйининг қалитини йўқотиб, ташқари балкондан хонадонига кирмоқчи бўлган пайтда 16 — қаватдан йиқилиб кетди. Аммо бахтли тасодиф туфайли у тирик қолган. 20 ёшли ўсмирнинг фақатгина икки аъзолари жиддий шикастланган. Айни пайтда у шифохонага ётқизилган. Шифокорлар бир ҳафтадан сўнг унинг оёққа туриши мумкинлигини маълум қилишган.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар соҳани янада жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК ҲИМОЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда прокуратура, адлия органлари ходимлари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Мазкур тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш механизмларини янада мустаҳкамлаш, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

Концепцияси»да белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Семинар иштирокчилари мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилганлиги, бу борада қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар соҳа ривожига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашди. Соҳани ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида қабул қилинган қонунлар юртимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини жадаллаштиришнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

– Бугунги семинар-тренинг иқтисодиётни эркинлаштириш ва соғлом тадбиркорлик муҳитини шакллантириш мақсадида ташкил этилган, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш

истикболлари бўлими бошлиғи Бегзод Ибрагимов. – Қўрилган чора-тадбирлар самараси ўларок, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал суръатлар билан ривожланиб, иқтисодиётда хусусий сектор вакилларининг ўрни тобора кенгаймоқда. Айниқса, бунда тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигини ошириш ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайтириш, унинг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳал қилувчи йўналиши бўлганлиги алоҳида аҳамият касб этди.

Тадбирда «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида амалдаги қонун ҳужжатларининг асосий мазмун-моҳияти», «Прокуратура органларининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш масалалари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Йигилишда тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларнинг назорат қилувчи орган ва идоралар томонидан тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама қўмақ бериш каби масалалар юзасидан апрофлиха фикр алмашилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Минтақавий мулоқот» нодавлат ташкилоти (Словения) ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар-тренингда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг салоҳиятини ошириш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг ахборот хизматлари раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев мамлакатимизни сиёсий модернизация қилишнинг бугунги босқичи ахборот хизматлари фаолиятини янада яхшилаш билан боғлиқлигини, улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ошкоралигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Ўзбекистонда ахборот хизматларининг эркин ва самарали фаолият қўрсатиши, ходимлари билим ва кўникмаларини янада ошириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Семинарда ахборот хизматлари фаолиятига ахборот узатишнинг янги услуб ва шакллари жорий этиш, журналистлар маҳоратини ошириш, оммавий ахборот воситалари соҳасига оид қўнунчилиқни самарали қўллаш ҳамда матбуот билан амалий ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Иштирокчиларнинг фикрича, Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурил-

ган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг фаолиятини янада кучайтиришга хизмат қилади. Бу медиа-мақонни энг сўнгги ахборотлар билан тўлдириш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан янада самарали ҳамкорлик қилиши, шунингдек, фуқароларни кенг хабардор этиш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш учун сифат жиҳатидан янги ҳуқуқий майдон яратиш имконини беради. Бу борада давлатимиз раҳбарининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказишга оид Фармойишининг Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги ижроси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Семинар қатнашчилари ахборот хизматлари фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш баробарида ўз мақсадини ошириш ва ҳамкасблари билан тажриба алмашди.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

ҚАЙТА ИШЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимизда аграр соҳанинг муҳим йўналишларидан бири бўлган мева-сабзавотчилик ва узумчилик йил сайин ривожланиб бормоқда. Халқимиз аҳолисининг ушбу маҳсулотларга бўлган талабни қондириш билан бир қаторда қайта ишланган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ҳажми ортиб бораётир.

Анжуманда таъкидланишича, компания томонидан қайта ишлаш корхоналарининг технологик талабларга мос бўлган ноёб, саноатбон тоқзорлар барпо этиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер унумдорлигини ошириш ҳамда соҳага инновацияларни татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 мартда қабул қилинган 2013-2015 йилларда республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирларига оид қарори муҳим омил бўлмоқда.

Компаниянинг юздан ортиқ узумни қайта ишлаш корхоналари томонидан янги тоқзорларни барпо

Шаҳримизда «Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси томонидан узумчиликни ривожлантириш ва қайта ишлаш корхоналарининг хомашё базасини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

этиш ишларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йилда мазкур корхоналар тасарруфидаги тоқзорлар 2,9 минг гектар бўлган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 4,4 минг гектарни ташкил этмоқда. 2015 йилгача яна 7 минг гектардан зиёд янги тоқзорлар барпо этиш кўзда тутилмоқда. Табиийки, бунинг натижасида хомашё микдори ортади. 2012 йилда саноатбон навли тоқзорлардан 19,2 минг тонна узум хомашёси қайта ишланган бўлса, жорий йилда унинг микдори 30 минг тоннадан ошди. Бу кўрсаткичнинг 2015 йилга бориб 63,5 минг тоннага етиши кутулимоқда.

Шунингдек, келгусида дунё бозорига танилган узум навларини кўпайтириш мақсадида «Мева-шар-

бат» илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси ва «Ўсимликшунослик» илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Улар билан биргаликда ички ва ташқи бозорда харидорларга вино хомашёси учун агостенга, шардоне, мурведер каби 14 хилдаги номдор навларни кўпайтириш ишлари бошлаб юборилди.

Жорий йилда компания томонидан 11,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi ўнла лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Ушбу лойиҳалар амалга ошса бир юз ўттиздан зиёд янги иш ўрни яратилади. Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислари томонидан апрофлиха жавоб қайтарилди.

Абдували СОДИКОВ

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда Жаҳон чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш кунига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Унда турли вазирлик ва идоралардан мутахассислар, ОАВ вакиллари иштирок этди. Тадбир қатнашчилари ер-сув ресурсларини бошқариш, қургўқчиликка қарши кураш ва унинг оқибатларини юмшатиш бўйича билим ва тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Тадбир ерлар деградацияси ва қургўқчилик таъсирини камайтириш, чўлланишга мойил ҳудудларда ҳаёт сифатини яхшилашдан манфаатдор томонларнинг ҳаракатларини бирлаштириш масалалари мақсадида ўтказилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш конвенциясини 1994 йил 7 декабрда имзолаган ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йилда ратификация қилинган. Ҳукумат қарорига мувофиқ Конвенция доирасидаги мажбуриятларни бажариш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш Ўзгидрометга юклатилган.

Айтиш жоизки, чўлланиш ва қургўқчилик жараёнлари замонавий жиддий экологик таҳдидлардан бири бўлиб, ана шу табиий ва техноген ҳодисаларга қарши кураш зарур чоралар қўришни талаб этмоқда. 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 17 июни – Жаҳон чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш кунига деб эълон қилди. Бундан мақсад – жамоатчилик эътиборини чўлланиш, ерлар таназзули ва қургўқчиликнинг халқаро ҳамжамият учун хавфи ортаётганига жалб этишдир. Шу кунни бутун дунё бўйлаб ерлар деградацияси муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида хабардорликни оширишга қаратилган турли тадбирлар ўтказилади.

Ўтган йил глобал атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш борасида муҳим сана бўлди – 20-22 июнда Рио+20 номи билан танилган БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича конференцияси бўлиб ўтди. Унинг асосий натижаларидан бири барқарор ривожланиш борасида яшил иқтисодиёт мавзуси бўлди. Чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш конвенциясининг Ижрочи котиби Люк Гна-каджанинг барқарор ривожланиш, озик-овқат хавфсизлиги ва қашшоқликка барҳам бериш гоёлари билан йўғрилган «Ерлар деградация-сиз дунёга пешвоз чиқиб» жараёни қўллаб-қувватланди.

Давра суҳбати давомида Президентимиз раҳбарлигида сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер унумдорлигини ошириш, замонавий технологияларни жалб қилишда талай натижаларга эришилаётгани ҳақида сўз юритилди. Суғориш ва коллектор-зовур тизимини реконструкция қилиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, яйловлар деградацияси қўламларини камайтириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича муайян чоралар қабул қилинмоқда. Сўнгги йилларда сув тақчиллигини енгиш, ерни барқарор бошқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган Президентимиз фармон ва қарорлари, ҳукуматнинг қатор қарорлари қабул қилинди. 2006 йилдан БМТ Чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш конвенциясини бажаришда Марказий Осиё мамлакатларига қўмақ дастури – Ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ташаббуси (ЕРБМОМТ) дастури амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида шу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар ўз маърузаларида тўпланган тажрибаларни, олдинда турган мақсад ва вазифалар тўғрисида батафсил маълумот беришди.

Зиёда РАСУЛОВА

ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯЛАР

Замонавий илмий лабораториядан фойдаланишда Тошкент Темирйўл муҳандислари институти иқтидорли талабалари таклифларидан ҳам фойдаланилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, лабораторияни ташкил этиш борасида дастлабки бой тажрибалар орттирилди. Ундан оқилона фойдаланиш эса ишни унумли ҳамда тез фурсатларда ақунлаш имконини берибди. Бундан ташқари, «Харақатланувчи таркибдан фойдаланиш ва таъмирлаш» деб номланган лаборатория фаолияти ҳам диққатга сазовордир.

Бундай лабораториялар махсус ўқув илмий асосда фаолият кўрсатмоқда. Лабораторияга рельслар, унинг ўлчовларини синовчи ускуналар, гилдирак амортизатори, вагон макети олиб келинди.

Бу каби ангилликлар ёш олимларнинг лаборатория шароитида ишлашлари борасида ҳам ўз амалий натижасини бераётир.

Шаҳзода РУСТАМОВА



Анжуманлар

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистон бизнес форуми» лойиҳаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида халқаро тижорат арбитражини жорий этиш» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад – Ўзбекистонда тижорат арбитражини жорий этиш масалалари ҳусусида фикр алмашиш, соҳадаги қўнунчилиқни таҳлил этиш ҳамда «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Қўнун Концепцияси ва лойиҳасини муҳокама этиш ва ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий-амалий семинарда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси аъзолари, Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судлари вакиллари, адлия, иқтисодиёт ва молия вазирликлари масъул ходимлари, мамлакатимиздаги Ҳакамлик судлари вакиллари, олий ўқув юртлири олимлари ва мутахассислари, шунингдек халқаро экспертлар иштирок этишди.

Бугун шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда ҳорижий инвестициялар учун қулай шароит яратиш ва ҳорижий инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган мустаҳкам ҳуқуқий асос шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: «Мамлакатимизда яратилган илмий-лармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорлиқнинг муҳим таркибий қисми ва омилдир».

Мазкур йўналишдаги масалалар Ўзбекистон Республикасининг миллий қўнунчилиги томонидан тартибга солинибгина қолмай, юртимиз томонидан имзоланган қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топади.

Мамлакатда қулай инвестицион муҳит яратишнинг муҳим жиҳатларидан бири, бу инвесторлар ҳуқуқларини кафолатловчи, инвестицион баҳслар вуждга келганда уларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича восита ва усулларини тақдим этувчи инвесторларнинг мулкий ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали тизимининг яратилганлигидир.

Ўзбекистон томонидан имзоланган инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги қатор

қелишувларда (50 га яқин) инвестицион мунозараларни Халқаро инвестицион баҳсларни тартибга солиш маркази (Вашингтон), Халқаро савдо палатаси қошидаги Халқаро арбитраж суди (Париж), Стокгольм савдо палатаси қошидаги Арбитраж суди (Стокгольм) ёки бошқа доимий ишловчи арбитраж ёки арбитраж «ad hoc» га узатиш имконияти кўзда тутилган.

Шу тариха, Ўзбекистонда инвестицион баҳсларни ҳал этишнинг халқаро ҳуқуқнинг умум қабул қилинган нормаларига тўлиқ жавоб берувчи барча имкониятлар мавжуд.

Шуниси эътиборлики, Савдо-саноат палатаси томонидан тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда ЮНСИТРАЛнинг намунали қонун асосида «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Қўнун Концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ҳозирда пухта ўрганилмоқда.

Семинарда тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгиловчи маъмурий институтларни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди, давлат ва бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини кескин камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ишларини давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Маҳаллий ва ҳорижий экспертлар Ўзбекистонда халқаро тижорат арбитражини қўллаш масалалари, шунингдек мазкур соҳа қўнунчилигидаги янгиликлар, ўзгаришлар ва муваффақиятлар ҳусусида фикр ва тажриба алмашди.

Семинарда, шунингдек, тадбиркорлик соҳасидаги асосий қўнун ҳужжатларини таҳлил этиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш соҳасида баҳсларни судгача ҳал этиш йўллари янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

(Ўз мухбири)миз)

Яқинда Сергели туманидаги Молия ва иқтисодиёт коллежида Зулфия мукофоти совриндори Робия Бўтаева билан учрашув бўлиб ўтди. Унда тумандаги касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг ижодкор, изланувчан қизлари қатнашдилар.

Очиқ мулоқот тарзидаги дав-ра суҳбатиди Робия Бўтаева эришган ушбу муваффақияти фақат ўзининг эмас, балки ус-тозлари, ота-оналарининг меҳ-нати натижаси эканлигини таъкидлаб ўтди. Ундаги истеъ-доду қизиқишни сезиб, мил-лий телевидениенинг НТТ ка-налига олиб келган, бошлов-чилик қобилиятининг ўсишига сабаб бўлган ота-онаси экан-лигини айтиб фахрланди.

— Бу борада устозларим-нинг ҳам меҳнати катта, — дейди Р. Бўтаева. — Улар дарс жараёнида ҳам мени

Тадбирлар

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

равон сўзлашга, нутқ техни-касига амал қилишга ўрга-тиб бордилар.

Давра суҳбатиди ижодкор қизлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан муружаат қилдилар.

Бу маънавий тадбир ҳар биримизнинг юрагимизга

чўғ ташлади, десам янг-лишмайман. Зеро, барча-миз янада кўпроқ изла-нишга, ижод қилишга иш-тиёқимиз кучайганлигини ҳис қилдик.

Шаҳзода РИЗАЕВА,
«Зулфияхоним қизлари»
тўғараги аъзоси



Ўзбекистон серқирра мусиқа санъатига бой мамлакатлардан биридир. Мумтоз халқ ижодиёти ва Европа профессионал мусиқасининг бир-бири билан уйғунликда ривожланиб бориши ҳам эътиборга лойиқдир.

Ушбу маданиятнинг мусиқий намуналарини биз деярли ҳар куни Ўзбекистон давлат консер-ваторияси залларида тинглаши-миз мумкин.

Камер залида катта ўқитувчи-лар Тоҳир Фозилов ва Виталий Лазаровлар ўқувчиларнинг кон-церт дастури ташкил этилганли-ги фикримиз далилидир. Шу кунги талабалар ижросида Вольфганг Амадей Моцарт, Антонио Катоц-ци, Георг Фридрих Гендель, Иоганн Себастьян Бах, Франти-шек Грегориалнинг туба, валь-торна, фортепиано ва овоз учун ёзилган асарлари маҳорат билан ижро этилди.

Ташкилотчиларнинг ушбу кон-цертни «Хаётнинг бошланғичи» медиа-дастури деб номлашлари бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам биз ҳаёт ташвишлари билан бўлиб, атрофимизда юз бераётган кўп-лаб воқеаларга назар ташла-маймиз. Концерта ижро этилган асарлар тингловчиларни ҳаёт ташвишлари гирдобидан чиқа-риб, уларни турли манзиллар то-мон етаклади.

Концерт дастури: Моцартнинг «Харамдан ўғирчилик» операси-дан арияни ижро этган ҳолда

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР ИЖРОСИДА — ЖАҲОН САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ

Халқаро танловлар лауреати Ге-оргий Дмитриев ва журналист Шахворостовлар очиб беришди.

Катоццининг «Енгил вариация-лар — «Бильзебоб» туба ва фор-тепиано учун ёзилган асари «Санъат ғунчалари» танловининг совриндори Асрор Ҳасанов ижросида янгради. Ижрочи мусиқа асбобининг юмшоқ тембрини, куйчанлигини кўрсатиб бера олди.

Моцартнинг «Харамдан ўғир-ланиш» операсидан «Merten aller Arten...» арияси билан Констан-ция образини Асмик Арутюнянц талқин қилди. Унинг ижроси барчани лол қолдирди. Кичик сахна кўринишида ёш ва гўзал қиз севгилиси ишқида қўёшни кутиб, уни кузатаётгани акс эт-тирилган.

Концерт давомида Айдоё-Ерни-язова томонидан валторнада ижро этилган куй ҳам кўпчилик

эътиборини тортди. У Моцартнинг валторна ва оркестр учун ёзилган иккинчи концертининг биринчи қисмини ижро этди. Ушбу чолғу асбоби ижрочидан катта маҳорат талаб қилади. Сабаби, валторна жуда нозик чолғу асбоби бўлиб, унинг товушлари юмшоқ, эмоцио-нал ва ранг-барангдир.

Концерт дастури Моцартнинг туба учун яратилган «MOTET «EXSULTATE JUBILATE» асари Рес-публика танлови лауреати Вита-лий Лазаревнинг ижроси билан якунланди.

Биз ёш ижрочиларнинг келгу-сида омад ва бунданда юқори ижодий чўққиларни эгаллашлари-га тилак билдирган ҳолда улар-дан янги концерт дастурларини кутиб қоламиз.

Ахрор АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Давлат консер-ваторияси талабаси

ИЖОДКОР БИЛАН УЧРАШУВ

«ZiyoNET» ресурс марказининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими томонидан UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказида шоир ва адиб, маҳоратли таржимон Муҳаммад Исмоил билан бадий учрашув ўтказилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида «ZiyoNET» ресурс марказининг Халқ таълими вазир-лиги ҳузуридаги бўлими томонидан ишлаб чиқилган йиллик иш режаси доирасида «Ободлик кўнгилдан бошланади» шиори остида ўтган мазкур учрашувда шоир ва ижодкорлар, талаба-ёшлар, адабиёт ихлос-мандлари иштирок этишди.

Шеърятни ҳаёти мазмунини деб билган Муҳаммад Исмоил ижодида Ватанга бўлган муҳаббат, ёшлик таровати, инсонийлик мезонлари, гўзалликка инти-лиш манзиллари бош мавзу сифатида қаламга оли-нади.

Шоир ижоди, айниқса, мустақиллик йилларида гул-лаб-яшнади. Унинг бугунга қадар ўндан зиёда шеъ-рий тўпламлари, таржима ва насрий асарлари ўқу-чилар томонидан илиқ кутиб олинган.

— Ижод аҳлининг бош вазифаси — Ватанига хиз-мат қилиш, кишилар қалбида эзгулик қуртакларини

уйғотиш, истиқлолимиз қадрига етиш, — дейди Му-ҳаммад Исмоил. — Бугун ижодкорлар учун барча ша-роитлар муҳайё. Айниқса, ёшларимиз бундай имко-ниятлардан унумли фойдаланиши, ўз маҳорат ва ис-теъодларини баралла юзага чиқаришлари лозим. Ёшларимиз қалбида истиқлол қадрига етиш, тинч ва обод кунларимизни эъозлаш, келахакка ишонч билан яшаш ҳиссини уйғотишда ижодкорларнинг, хусусан, ёш қаламкашларнинг ҳам ўз ўрни борлиги яхши маъ-лум. Шу боис ҳам ҳар бир ёзувчи ёки шоир қўлига қалам олганда, аввало, Ватани, ота-онаси, маҳалла ва яқинлари ҳақида ўй сурмоғи, юртимизда бўлаёт-ган бунёдкорлик ишларидан завқланимоғи зарур.

Учрашувда ёшлар томонидан берилган шоир ва адиб ижоди, адабиёт майдонидаги кириб келаётган ёш ижодкорлар, шеър ва ҳаёт мавзуларига тегишли саволларга атрофлича жавоб берилди.

«Туркистон-пресс»

Мазкур тадбир жисмонан соғлом ва маънавий етук, ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тар-биялаш, воғда етмаган ёшларни оила-вий ҳаётга тайёрлаш, қизларнинг эрта турмушга чиқиш ҳолатларига



барҳам бериш, демократик жамият қуришда аёлларнинг ролини ошириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилётган ишларни янада жонлантириш, уларни таълим жараёнига тўлиқ қа-мраб олиш ҳамда соғлом турмуш тар-зининг тарғиботида қаратилган иш-лар самарадорлигини ошириш мақ-садида ташкил этилди.

«Ораста қиз» кўрик-танловида иш-

Танловлар

КАСБ МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

«Обод турмуш йили» муносабати билан Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси даволаш-профилактика муассасалари ҳамширалари ўртасида «Ораста қиз» кўрик-танлови ўтказилди.

Шартларни бажариш асносида қизлар ўзларининг оилага тайёрлик-ларини, зукколикларини ва бўш вақт-ларини қай тарзда мазмунли ўтқа-зишларини кўрсатиб бердилар.

Қизларнинг маҳорати юқори экан-лиги, бадий саҳналар ва эркин мавзунини қойиллатиб ижро этганли-ги учун ғолибларни аниқлаш ҳакам-лар ҳайъатига осон кечмади. Шу та-риқа энг кўп балл жамғарган Олма-зор туманидаги 14-оилавий поликли-никада доя вазифасида фаолият кўрсатаётган Диёра Тожиева кўрик-

танлов ғолиблигини қўлга киритди. Чилонзор туманидаги 7-туғруқ маж-муаси ҳамшираси Нафисахон Ҳаса-нова иккинчи, Юнусобод туманида-ги кўп тармоқли марказий поликли-ника ҳамшираси Зилола Хуснутди-нова иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Танлов ғолиб ва совриндорларига ташкилотчилар томонидан қиммат-баҳо совғалар топширилди.

Даврон НУРМАТОВ
СУРАТДА: «Ораста қиз» кўрик-танловидан лавҳа

«Ёз — 2013»

«МЕҲРИБОНЛИК» ОРОМҒОҲИ ЧОРЛАЙДИ

Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Меҳрибонлик» соғломлаштириш оромгоҳида ўқувчиларнинг ҳордиқ чиқариш мавсуми бошланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тад-бирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таъ-лими вазирлиги, «Sen yolg'iz emassan» Рес-публика жамоатчилик болалар жамғарма-си вакиллари, педагоглар, ижтимоий соҳа мутахассислари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ва-зири У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ота-она меҳридан бебахра, алоҳида эҳтиёжли бола-ларга пухта билим бериш, уларни кучли иж-тимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қара-тилаётганини таъкидлади. Бундай эзгу иш-лар болаларни ёзги мавсумда дам олдириш ва соғломлаштириш жараёнида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги «Меҳрибонлик» оромгоҳида ёзги таътил давомида мамла-катимизнинг турли ҳудудларидаги Меҳри-бонлик уйларининг мингдан ортиқ тарбия-ланувчиси дам олади. Илк мавсумда бу ерга Бухоро, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги махсус тар-бия муассасаларидан 260 нафар ўғил-қиз тақлиф этилди.

Ўқувчиларни мароқли дам олдириш мақ-садида оромгоҳда кенг кўламли ободон-лаштириш ва бунёдкорлик ишлари бажари-лди. Уч минг туп манзарали ва мева-ли дарахтга ишлов берилиб, анвойи гуллар экилди. Маънавият ва маърифат хонаси, спорт майдончалари, сузиш ҳавзаси, кино-концерт зали, дам олиш, тиббиёт хонала-ри, ўндан ортиқ тўғарак, компьютер ва хо-рижий тилларни ўрганиш хоналари таъмир-ланди.

Республика болалар кутубхонаси заҳи-расидан беш мингдан ортиқ адабий-бади-ий, маърифий, тил ўрганишга оид китоб, вақтли матбуот нашрлари келтирилди. Тўга-раклар ишини янада такомиллаштириш мақ-садида Республика «Баркамол авлод» бо-лалар марказларидан зарур жиҳоз ва ус-куналар ҳамда малакали мутахассислар жалб этилди.

Айни пайтда бу ерда Ватанимиз муста-қиллигининг 22 йиллигига бағишлаб олим-лар, маънавият тарғиботчилари, адиб ва шоирлар, маданият ва санъат намоёндалари билан давра суҳбатлари, ижодий учрашув-лар ташкил этилади. Турли интеллектуал ўйинлар, викториналар, кўрик-танловлар, санъат фестиваллари, расмлар кўргазмаси ёшларнинг истеъдодини кашф этиш имкони-ни беради.

— Мен бу оромгоҳда иккинчи марта дам олаяпман, — дейди самарқандлик Шокир Муродуллаев. — Ўлкашунослик, расм чизиш, хорижий тиллар бўйича тўғаракларга қат-нашпман. Кўплаб дўстлар орттирдим.

Тадбирда Меҳрибонлик уйлари тар-бияланувчилари томонидан тайёрланган куй-қўшиқлар, сахна кўринишлари ижро этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғининг давлат мулкчилик шакли ўзгараётганлиги ва устав фондининг қамарётганлигини маълум қилади. Давлат муассасасидан давлат унитар корхонасига айлантирилмоқда.

Эътирозлар Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Х.Орипов кўчаси, 21-уйда, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида қабул қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанба-дан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзили-миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.



(ЎЗА) олган суратлар

Таълим

ЭНГ ЯХШИ
ҚЎЛЛАНМА

Тошкент Фармацевтика институтида касбий таълимни кенг йўлга қўйиш борасида ибратли ишлар олиб борилмоқда.

Бу ерда клиник фармация йўналишининг очилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Шу мақсадда замонавий асбоб-ускуналар харид қилиниб, мустақам техник негиз яратилди.

Ўқув адабиётларини бойитиш мақсадида қатор дарслик ва қўлланмалар босмага тайёрланди. «Фармация» ўқув қўлланмаси эса энг яхши дарслик деб баҳоланди.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида туризм йўналиши бўйича малакали мутахассислар ҳам тайёрланмоқда.

ТУРИЗМГА ОИД
НАШРЛАР

«Туризм. маркетинг» кафедраси томонидан тайёрланган ўқув адабиётларидан кенг фойдаланилмоқда. «Туристтик индустрия» деб номланган янги қўлланма ҳам нашрдан чиқди.

Ботир АЛИЕВ

Талабаларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш, уларга амалдаги технологик жараёнларни таъинлаб бериш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти ходимлари Тошкент Ахборот технологиялари университети ўқитувчилари билан ҳамкорлик ўрнатдилар.

Иқтисод ва бошқарув факультетининг «Почта хизматларини автоматлаштириш» кафедраси ассистенти Лазиз Жўраевнинг айтишича, бу йил битирув малакавий ишлари олиб борилмоқда. Масалан, иқтидорли талабалар Ахёрхон Норалиев ўз ишини ахборот коммуникация технологияларини почта алоқаси корхоналарида татбиқ этиш жараёнига

Ҳар йили Тошкент Ахборот технологиялари университети почта йўналиши битирувчиларининг 70-75 фоизи почта алоқаси корхоналарида ишга қабул қилинмоқда.

Ҳамкорлик

БИТИРУВ АМАЛИЁТИ САМАРАСИ

бағишлади. Ҳозир у илмий ишнинг техниканинг жамиятдаги ўрни, аҳоли, ҳусусан ёшларнинг унга бўлган муносабати-га оид қисмини ёзиб тугатди.

Бунда жамиятда ташкил этилган канифедра ўқув филиалининг ёрдами катта бўлди.

Нигина РАҲИМОВА

Қувватбахш таомлар

КАЙФИЯТИНГИЗ
ЗИЁДА БЎЛАДИ

Бундай лаззатли, қувватбахш маҳсулотни тайёрлаш учун шакарли қиёмнинг зичлиги тахминан 80 фоиз қолгунча қиздирилади. Ҳосил бўлган маҳсулотга олдиндан қобиғи ва нимпўстидан холи этилиб майдаланган бодом мағизи қўшилади.

Сўнгра ёғ билан артилган патнисга тўшаб, юзаси мойланган ўқлоғи билан текисланади. Шундан кейин бир оз фурсат ўтгач патнисдаги маҳсулот чорбурчак қилиб қирқилади. Ҳосил бўлган бодомли обаки-дандон шисасифат, шаффоф рангги касб этади.

Наҳорга обаки-дандондан бир кесма миқдориде истеъмол қилсангиз кун бўйи дадил, кайфиятингиз зиёда бўлиб юрасиз. Масалликлар: 1 килограмм обаки-дандон тайёрлаш учун олти стакан шакар, икки стакан бодом мағизи, турғунлигини ошириш учун бир чой қошиқ лимон ачилинчи қўшиш мумкин.

Эслатма: чучук бодомнинг жигарранг ним қопламасини йўқотиш учун мағизи 1-2 дақиқа қайнаб турган сувга солиб олинади, шунда бармоқлар воситасида оsonлик билан қопламадан холи бўлади. Тозаланган мағиз қуритилиб, уни майдалаш оson кечади.

Ёз фасли бошланиши биланоқ эндигина таътилга чиққан жажжи болажонларнинг хурсандчилиги юз чандон ортади. Негаки, кичкинтойларимизнинг орзиқиб кутган кўнгилли ҳордиқ онлари оdatдагидек республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги энг баҳаво, соя-салқин бўлган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида кечиши, қувноқ ва завқли ўтиши учун етарли қўлайликлар яратилган. Шунингдек, уларнинг сўлим оромгоҳларда спорт билан шуғулланишлари, турли йўналишлардаги тўғарақларга қатнашишлари ва мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Айни пайтда уларнинг хавфсизликларини таъминлаш борасида Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ва унинг қўйи тизими ходимлари томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор муҳофаза тадбирлари ишлаб чиқилган.

Табиийки, аксарият мактаб ўқувчилари тезроқ ёзги таътилга чиқиб республикамизнинг салқин, баҳаво оромгоҳлари ва дам олиш масканларида ҳордиқ чиқариши чин дилдан исташади. Жажжи кичкинтойларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, уларнинг мазмунли дам олишлари учун республикамиз ҳукумати ҳар йили ҳордиқ масканларини мактаб ўқувчилари учун шай ҳолатга келтириб, барча қўлайликларни яратишга ҳаракат қилапти.

Давлатимиз томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, Мехрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, жисмоний имконияти чекланган болаларни имтиёзли соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда маҳаллаларда истижомат қилаётган ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандларидан 600 нафар ўғил-қиз имтиёзли асосларда, бундан ташқари анъанавий равишда 4,5 минг нафар Оролбўйи болалари бепул соғломлаштирилади.

Энг муҳими, жорий йилдаги соғломлаштириш мавсумида асосий эътибор болаларни оромгоҳларга кўпроқ жалб этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ма-

Шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

ТАРБИЯЧИЛАРГА
ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

даний-маърифий, спорт мусобақаларини ўтказиш, тарбиявий ишларни йўлга қўйиш масалаларига қаратилади. Бундан ташқари, ҳар бир оромгоҳда маънавият ва маърифат, компьютер хоналари, кутубхона, турли тўғарақлар ташкил этилиб, кўнгилочар тадбирлар ўтказилади. Чунончи, оромгоҳлараро кўрик-танловлар, спартакиадалар, таникли шоир ва ёзувчилар билан учрашув ва суҳбатлар, турли саёҳатлар уюштириш, «Ёш кутқарувчилар мусобақаси» ва «Фуқаро муҳофазаси кунлари»ни ўтказиш кун тартибидан жой олган. Оромгоҳларда ўтказиладиган барча кўнгилочар тадбирлар

«Обод турмуш йили» ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятининг тоғ ва тоғолди гўшаларига кўнгилли ҳордиқ чиқаришга келган болажонларимизнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган оромгоҳ раҳбарларининг фавқулдда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа муҳофаза сабоқларидан хабардор бўлиши талаб этилади. Шу боис, Тошкент шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармаси офицерлари, хизматчилари ва мутахассислари томонидан 7 соатлик дастур асосида 33 нафар оромгоҳларнинг раҳбарлари ва тарбиячилари ўқитилди.

Назарий ҳамда амалий қисмлардан иборат бўлган ўқув машғулотлари бошқарма бошлигининг ўринбосари – Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи подполковник Хусан Бобонов ва хизматчилар Умнат Сувонов ва Бахтиёр Мирзаевлар иштирокида олиб борилди.

Тошкент шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида биз — тингловчилар 7 соатлик дастур асосида муайян кўникмалар ҳосил қилдик. Энг муҳими, биз-тингловчилар ҳар доим ҳушёр ва оғоҳ бўлишимиз лозимлигини, фавқулдда вазиятлар чоғида қандай ҳаракат қилиш зарурлигини, аҳолини эвакуация қилиш қоида-лари ҳамда жабрланганларга шошилинч тиббий хизмат кўрсатишнинг айрим усуллари ҳусусида етарли маълумотларга эга бўлдик, — дейди Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори Анатолий Чориев.

Машғулот якунида барча оромгоҳ раҳбарлари ва тарбиячиларига ўқув машғулотларида қатнашганлиги тўғрисида гувоҳномалар топширилди ва «Фуқаро муҳофазаси» га оид қўлланмалар ва плакатлар тарқатилди.

Азамат СУЮНОВ, журналист

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН
ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ
ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА
ИШТИРОК ЭТАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жорий йилнинг 21 июнь – 13 июль кунлари ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Туркияга жўнаб кетди. Истанбул, Бурса, Анталия, Ризе, Газинтеп, Кайсери, Трабзон шаҳарлари мезбонлик қиладиган 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси ғолиблик учун баҳс олиб боради.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «F» гуруҳида Океания чемпиони Янги Зеландия, Жанубий Америка чемпиони Уругвай ва Европа вакили – Хорватия футболчилари билан рақобатлашади. Қондаги биноан, олти гуруҳнинг ҳар биридан дастлабки икки ўринни эгаллаган ҳамда учинчи ўриндаги энг яхши кўрсаткичга эга бўлган яна тўрт терма жамоа мусобақанинг плей-офф босқичига йўланма олади.

Футболчиларимизнинг ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида сўнгги ўн йил ичида учинчи мартаба қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир.

Терма жамоамиз аъзолари жаҳон чемпионатида пухта тайёргарлик қўрди, — дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмаджон Мусаев. — Ёш футболчиларимиз бундай нуфузли мусобақада ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига истиқлолимиз туфайли эришганини яхши билади. Шу боис улар Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида кўтаринки руҳ ва катта иштиёқ билан фақат ғалаба учун майдонга тушади.

Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатидаги иштироки Ўзбекистонимизни дунёга янада кенгроқ танитиши, серкўёш мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган авлод воғга етаётганини намойиш этишига шубҳа йўқ.

Ўзбекистонда футболни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишхотлар юксак самаралар бераётди. Бунинг 2012 йилги футбол мавсумида қўлга киритилган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўтган йили 16 ёшгача бўлган футболчиларимиз илк бор ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида бош совринни қўлга киритди. 20 ёшгача бўлган футболчиларимиз ҳам қўтба биринчилигида кучли тўртликдан жой олиб, жаҳон чемпионатида чиқди. Терма жамоамиз мижоз ҳужумчиси Игорь Сергеев мусобақа тўғрисида баҳсида ғолиб чиқиб, махсус соврин билан тақдирланди. Ўзбекистон ногиронлар терма жамоаси кетма-кет учинчи марта жаҳон чемпиони унвонига эришди. 16 ёшгача бўлган қизларимиз илк марта Осиё чемпионатининг финал босқичига йўланма олди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилги жаҳон чемпионатида чиқиш учун курашни давом эттирмоқда.

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА томонидан Ўзбекистон футбол федерациясига «Fair Play» (ҳалол ўйин) соврини топширилган мамлакатимиз футболчи ривожининг халқаро миқёсдаги яна бир юксак эътирофи бўлди.

Тошкентда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва ғояси асосида барпо этилган «Бунёдкор» спорт мажмуаси футбол ривожига қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Бу мажмуада йирим халқаро турнирларни юқори савидада ўтказиш, футболчилар, мураббийлар, ҳакамлар ва мухлислар учун барча шароит ва қўлайликлар яратилган.

Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 1977 йилда ФИФА томонидан асос солинган. Ҳар икки йилда бир ўтказиладиган ушбу турнир 1981 йилдан расмий мусобақа макрами оланган. Жаҳон футболда ёрқин из қолдирган Марадона, Месси, Дунга, Бебето, Ромарио, Роналдиньо, Фигу, Икер Касильяс, Ван Бастен, Арьен Роббен, Тьерри Анри, Давид Тразега, Хосе Луис Чиливерт каби чарм тўп усталари илк бор ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида кашф қилинган.

ФИФАга аъзо икки юздан зиёд мамлакат футбол федерацияларининг ҳар бири жаҳон чемпионатида ўз футболчиларини кўришни истади. Лекин ёшлар ўртасидаги мундальда қатнашиш ҳуқуқига фақат жаҳоннинг энг кучли йигирма тўрт терма жамоаси эга бўлди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болитбўйи мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистон футболчилари мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида йўланма олгани ҳам Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Жамоага ўз иқтидори ва салоҳиятини намоян қила олган энг кучли ёш футболчилар саралаб олинди. 2011 йили Мексикада ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида аҳойиб ўйин кўрсатган Аббосбек Махситалиев, Сардор Раҳмонов, Мўҳсин Убайдуллаев, Сардор Собирхўжаев, Забиҳулло Уринбоев ва Жасур Ҳакимов сингари футболчилар киритилган мухлисларни ҳушнуд этади. Терма жамоа аъзолари жаҳон чемпионатида тайёргарлик жараёнида Россия, Туркия, Португалия ва Испания сингари мамлакатларда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинлари ҳамда халқаро турнирларда қатнашди. Футболчиларимиз Испания, Чили, Португалия, Туркия, Россия, Ироқ каби қатор терма жамоалар билан учрашувларда маҳорат ва тажрибасини оширди.

Жаҳон чемпионатида тўп суриш ҳар бир футболчининг энг олий орузсидир, — дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сардори Аббосбек Махситалиев. — 2011 йили Мексикада ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашган эдик. Энди жамоадош дўстларим билан Туркия яшил майдонларида бўладиган беллашувларда ҳам муносиб тўп суриб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Футболчиларимиз Туркиядаги жаҳон чемпионатининг гуруҳ беллашувларини Бурса ва Анталия шаҳарларида ўтказадди. Ҳамюртларимиз 23 июнга белгиланган дастлабки учрашувда Океания чемпиони — Янги Зеландия вакилларига қарши майдонга тушади. 26 июнда ўтказиладиган иккинчи турда Хорватия футболчилари билан кун синашади. 29 июнь кунини Анталия шаҳрида уругвайлик тенгқурларига қарши тўп суради.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида қўра,
21 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво

Тошкент шаҳрида 21 июнь кунини ҳаво ўзгариб тургани, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шайи даражаси 1-3 фойз мол эсди. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 38-40 даражада иссиқ бўлади.

муҳимда зарарли моддаларнинг бир оз йиғилиш-тартиди, ёғингарчиликга имконият яратилди. Атмосферанинг шфосла-дида 3-8 метр тезликда шайи даражаси 1-3 фойз мол эсди. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 38-40 даражада иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 641

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11837 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят қўмпоутер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ